

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЙТИМОВА ГУЛСАНАМ ЮСУПОВНА

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ПЕРИФЕРИК АРТЕРИЯ
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
УЛЬТРАТОВУШ СКРИНИНГ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Айтимова Гулсанам Юсуповна

Хоразм вилоятида периферик артерия
касалликларининг ультратовуш скрининг
дастурларини ишлаб чиқиш 3

Айтимова Гулсанам Юсуповна

Разработка программы ультразвукового
скрининга заболевания периферических
артерий в Хорезмской области 26

Aytimova Gulsanam Yusupovna

Development of the ultrasonic screening
program diseases of the peripheral
arteries in the Khorezm region 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЙТИМОВА ГУЛСАНАМ ЮСУПОВНА

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ПЕРИФЕРИК АРТЕРИЯ
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
УЛЬТРАТОВУШ СКРИНИНГ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib679 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Розыходжаева Гулнора Ахмедовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Юсупалиева Гулнора Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Юлбарисов Абдурасул Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «08» июль соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2021 йил «30» июнь да тарқатилди.

(2021 йил «30» июндаги даги 4 рақамли реестр баённомаси).

М. Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Н. Абдихакимов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Оёқ артериялари облитерацияловчи касалликларининг тарқалиши дунёда касалланишнинг асосий сабабчиси ҳисобланиб, соғлиқни сақлаш тизимидан ортиқча молиявий сарф-ҳаражат талаб қилади. Бугунги кунда жаҳон бўйича тахминан 237 миллион киши периферик артерия касаллигидан азият чекмоқда ва унинг тарқалиши аҳолини қариши ва қандли диабетли беморларнинг сонини ўсиб бораётгани туфайли тобора ортиб бормоқда. Периферик артерия касаллигини тадқиқотига бағишланган йирик тадқиқотлар маълумотларига асосан «...оёқлардаги атеросклероз билан жароҳатланиш клиник белгилари мавжуд бўлган беморларда ўлим ҳолати 5 йил ичида тахминан 30%гача ташкил қилади. Касаллик симптомсиз кечадиган беморлар орасида бу кўрсаткич янада юқори ва 1000 беморга 41,1 %ни ташкил қилади, улар орасида ўлим хавфи 2,2 баробарга ошади...»¹. Шу сабабли оёқ артериялари облитерацияловчи касалликларининг эпидемиологияси, аҳоли орасида периферик артерия касалликлари учун махсус скрининг билан солиштиришма рандомизацияланган текширувлар ўтказиш, умумий популяцияда асимптоматик периферик артерия касалликларининг тарқалиши фақат инвазив бўлмаган, арзон ва қулай тадқиқот усуллари билан баҳоланиши мумкинлиги бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда периферик артерия касалликларни ноинвазив ультратовуш диагностикаси доплер ёрдамида даво тактикасида скрининг дастурларни ишлаб чиқишга ҳамда такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада периферик артерияларининг облитерацияловчи атеросклерози скринингида тўпиқ-елка индексини доплер ёрдамида ташхислашнинг аҳамияти ва методологик аспектиларини, рангли дуплекс сканерлашнинг артериялардаги гемодинамик аҳамиятга эга бўлган жароҳатланишларни, контрастсиз мультислайс компьютер томографиясида тиббал кальцинознинг ривожланганлик даражасини, корреляция ва регрессион таҳлил усуллари кўллаш орқали тўпиқ-елка индекси детерминанталарини ҳамда рангли дуплекс сканерлаш ва контрастсиз МСКТ кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинидаги ултратовуш шифокорлари учун периферик артерия касаллигини ташхислашнинг такомиллашган алгоритминини танлашга ва хавф стратификациясига қаратилган дастур ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштиришга, қон томир тизими

¹ Aboyans V., Ricco J.B., Bartelink MEL, Bjorck M., Brodmann M., Cohnert T. et al. Document covering atherosclerotic disease of extracranial carotid and vertebral, mesenteric, renal, upper and lower extremity arteries Endorsed by: the European Stroke Organization (ESO) The Task Force for the Diagnosis and Treatment of Peripheral Arterial Diseases of the European Society of Cardiology (ESC) and of the European Society for Vascular Surgery (ESVS) // Eur Heart Journal. -2018; Vol. 39. № 9. - P. 763–816.

касалликларини камайтиришга қаратилган вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб–қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар периферик артериялар касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали периферик артерия касалликларидан ногиронлик кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Халқаро илмий тадқиқотлар шарҳларида кўрсатилишича, айти пайтда периферик артерия касалликларининг скринингида биринчи қадам бу тўпиқ-елка индексини аниқлаш ва доплер ультратовуш усулларини қўллашдир. Тўпиқ-елка индекси <0,9 дан паст бўлганда қон томирларда камида 50% стеноз мавжудлигида унинг сезгирлиги деярли 95%, спецификлиги 100%гача бўлади (Song P., Zhang J. et al. 2013). Тўпиқ-елка индексининг бу чегара қиймати(<0,9) Европа кардиологлар жамияти (ESC), Америка кардиология колледжи, Америка кардиологлар уюшмаси, NICE институти томонидан чиқарилган кўрсатмаларида ва трансатлантика жамиятлараро консенсусида (TASC II) ҳам белгиланган. Периферик артерия касаллиги бўлган беморлар сони ва касалликнинг тарқалганлигини ҳар томонлама таҳлили умумий соғлиқни сақлаш учун ушбу муаммо масштаби ҳақида глобал, регионал ва

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

миллий даражада маълумот беради (Nishimura H., 2016; Królczyk, J., 2019). 2015 йили периферик артерия касалликлари 236,62 миллион ҳолатда аниқланган бўлиб, бу 2010 йилдаги 202,06 миллион ҳолатига нисбатан олганда 17,1% га ошганлигидан далолат беради. IMPACT-ABI Study (2008) маълумотлари бўйича, аниқ ҳудудлар учун периферик артерия касаллигининг тарқалиши тўғрисидаги маълумотларни олиш катта аҳамиятга эга бўлиб, нафақат касалланиш тенденциясини аниқлашга, балки периферик артерия касаллиги бўлган беморлар категорияси учун тиббий ёрдамни ташкил қилиш эффективлигини баҳолашга имкон беради (Miura T., 2016; J. Piotrowicz. 2019). Оёқдаги периферик артерия касалликлари кекса одамларда, айниқса қандли диабет билан касалланган беморлар орасида кенг тарқалган ва уларнинг турмуш тарзини чеклаб қўйганда микдорий шикастланиш даражасини ва оғирлигини тавсифлаш учун диагностик текшириш амалга оширилиши зарурлиги кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасида бажарилган илмий ишлар шарҳи шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда мультифокал атеросклероз оқибатида юзага келадиган касалликлар сони кун сайин ошиб бормоқда. Бу патология юқори ногиронлик кўрсаткичи билан характерли бўлиб, ташҳислаш ва даволаш етарлича мураккаб ва мунозарали бўлиб келмоқда.

Ўзбекистонда ушбу йўналишда бир қанча илмий изланишларни амалга оширишган, жумладан, қандли диабетда оёқдаги жароҳатланишларни ташҳислаш, даволаш ва профилактикаси, сурункали томир-мия етишмовчилиги, мультифокал атеросклероздаги оёқ артерияларининг критик ишемияси ва томир етишмовчиликларини даволаш чора тадбирларига (Каримов Ш.И., 2017, Суннатов Р.Д., (2018), Матмуродов Ж.К., Агзамов Р.В. (2019) бағишланган илмий тадқиқот ишлари эвазига бугунги кунда оёқ артерияларининг шикастланиши бўйича ўтказиладиган амалиётларнинг кетма-кетлиги, жарроҳлик тактикасини аниқлаш масалалари қисман ўз ечимларини топган, лекин бир қатор ташҳисот саволлари очиклигича қолган.

Бунда ультратовуш усулларига скрининг ўтказишда муҳим ўрин ажратилган. Тўпиқ-елка индексини ўлчашда оддий, унча қиммат бўлмаган доплер ультратовуш аппаратида фойдаланилиши ва уни аниқлаш ноинвазив, арзон бўлиб, беморлардан алоҳида тайёргарлик талаб қилмаслиги, айниқса амбулатория ва поликлиника муассасаларида периферик артериялар атеросклерозини эрта ташҳисотида тўпиқ-елка индексини аниқлашни кенг йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлиши қайд этилган. Беморнинг индивидуал хавфини баҳолашда тўпиқ-елка индексини аниқлаш бирламчи бўлгандаги ультратовуш шифокорлари томонидан қўллаш имкониятлари ва олинган маълумотларни даволаш тактикасига таъсирини ўрганиш бугунги кунда муҳим ижтимоий ва илмий масалалардир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси №066.01.03002 «Одам патологик ҳолатининг иммуно-микробиологик, тиббий ижтимоий аспекти ўзига хослигини ўрганиш

ҳамда инфекцион ва ноинфекцион касалликлар диагностикаси ва профилактикасининг янги усулларини ишлаб чиқиш» мавзусига амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2022 йй.)

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм вилояти 45-90 ёшлардаги туб аҳолиси орасида периферик артерияларнинг облитерацияловчи атеросклерози ташхисотини ультратовуш доплерография усуллари ёрдамида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

периферик артерияларининг облитерацияловчи атеросклерози скринингида тўпиқ-елка индексини доплер ёрдамида ўлчашнинг ташхислашдаги аҳамияти ва методологик аспектларини баҳолаш;

рангли дуплекс сканерлашнинг артериялардаги гемодинамик аҳамиятга эга бўлган жароҳатланишларни ташхислашдаги ўрнини баҳолаш;

контрастсиз мултислайс компьютер томографиясида тиббиал кальцинознинг ривожланганлик даражасини миқдорий баҳолаш;

корреляция ва регрессион таҳлил усулларини қўллаш орқали тўпиқ-елка индексини детерминанталарини аниқлаш ҳамда рангли дуплекс сканерлаш ва контрастсиз МСКТ кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинидаги ультратовуш шифокорлари учун периферик артерия касаллигини ташхислашнинг такомиллашган алгоритминини танлашга ва хавф стратификациясига қаратилган дастур ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилояти шаҳар ва туманлари поликлиника ва шифохоналарида периферик артериялар касалликларини доплерографик усул ёрдамида текширувдан ўтказилган 45-90 ёш оралиғида хавф омиллари юқори бўлган 560 нафар беморлар олинган (2017-2019 йй).

Тадқиқотнинг предмети сифатида анамнез, жисмоний маълумотлар, Эдинбург сўровнома натижалари, ультратовуш доплерография усуллари ва контрастсиз МСКТ маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ультратовуш доплерография, артерияларни рангли дуплекс сканерлаш, мултиспирал компьютер томографияси ва статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

периферик артерияларнинг облитерацияловчи атеросклерознинг скринингида тўпиқ-елка индексига салбий таъсир кўрсатувчи энг муҳим кўрсаткичлар сифатида анамнезида миокард инфаркти, 75 ёшдан ошган кексалик ёши, артериал гипертензия, гиподинамия ва қандли диабет эканлиги исботланган;

периферик артериялар касаллигини нурли ташхисотида гемодинамик таъсирга эга стенозларда рангли дуплекс сканерлашда ўрта тўпиқ-елка индексини пасайиши исботланган;

периферик артериялар касалликларни ташхислашда контрастсиз компьютер томографияни ультратовуш текширув билан биргаликда

қўллаганда кальциноз ва атеросклеротик пиллакчани турини баҳолашда самарадорлиги исботланган;

юқори хавф юрак-қон томир касалликлари ва периферик артерияларнинг симптомсиз зарарланиши босқичида беморларда тўпиқ-елка индексини баҳолашнинг самарали даволаш тактикасини танлашда қўллаш асосланган

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бирламчи звено учун дуплекс сканерлаш йўқ бўлган жойларда тўпиқ-елка индексини аниқлаш асосида касалликни башоратлаш тартиби очиб берилган;

олтмиш беш ёшдан ошганларда, кардиоваскуляр хавфи юқори бўлган, лекин симптомсиз кечаётган оёқ артериялари атеросклерозини эрта даврларда аниқлаш учун тўпиқ-елка индексини қўллаш энг оптимал усул эканлиги баҳоланган;

тўпиқ-елка индекси қийматлари бўйича ишлаб чиқилган мезонлар оёқ артерияларидаги шикастланишларни ташхислаш ва бош ҳамда юракнинг магистрал артерияларидаги ўзгаришларни башоратлаш имконини берадиган усул эканлиги исботланган;

оёқ артериялари касаллигини баҳолашдаги юқори ташхисот аниқлигини инобатга олиб, оёқ артерияларни ультратовуш доплер сканерлаш ушбу беморларни даволашда қарор қабул қилиш учун етарлидир ва ташхисот ангиографиялари сонини камайтириши мумкин;

ушбу усул жароҳатланиш даражасини баҳолашга, периферик артерия касалликларининг топик ташхисини аниқлаштиришга ва қўл-оёқларнинг функционал ҳолатига объектив баҳо беришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосида периферик артерия касалликларини ультратовуш скрининг дастурини ишлаб чиқиш орқали даволаш тактикасини такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, катта миқдордаги материалларни қиёсий таҳлил қилиш асосида периферик артерия касаллигини ташхислашда доплер ёрдамида ўлчанган тўпиқ-елка индексини аҳамияти баҳоланган ва унинг бошқа визуализация усуллари (рангли дуплекс сканерлаш ва контрастсиз МСКТ) қаторида касалликни эрта аниқлашда самарадорлиги исботланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошқа томир хавзаларида атеросклеротик жароҳатланишлар бўлган беморларда тўпиқ-елка индексини ўлчаш ёрдамида периферик артерия касаллигини скрининг ташхисоти, атеросклерознинг дастлабки босқичларида артериал хавзаларнинг жароҳатланиши устунлигини ажратиш, катта ёшдаги симптомсиз касалликка

гумон қилинганларни кенг қамраб олиш мақсадида тўпиқ-елка индексини ўлчашдан фойдаланилиш келгусида ривожланувчи ҳолатларни прогнозлаш имконини бериш, оёқ периферик артерия касалликларининг хавф стратификация ва ташхисотининг такомиллашган алгоритмларини танлаш учун таклиф қилинган дастурдан фойдаланиш периферик артерия касаллигининг ўз вақтида ампутация хавфи ривожланишини камайишига ёрдам бериш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Хоразм вилоятида периферик артерия касалликларини ультратовуш скрининг дастурини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

периферик артерия касалликларини ультратовуш скрининг дастурини ишлаб чиқиш натижалари асосида «Оёқлардаги сурункали артериал етишмовчиликни ташхислаш усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 мартдаги 8н-р/54-сон маълумотномаси). Натижада периферик артерия касаллиги ташхисланган беморларда нур ташхиси усуллари ёрдамида периферик артерия касалликларини ташхислашни самарали йўлга қўйиш ва ҳар бир усулнинг ташхислашдаги ишончилигини эрта ташхислаш ва самарали даволаш тизимини тўғри танлаш берган;

периферик артерия касалликларини ультратовуш скрининг дастурини ишлаб чиқишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали бўлимлари, Хоразм вилояти эндокринологик диспансери ҳамда Урганч тумани шифохоналарида ва вилоят туманлардаги поликлиникаларнинг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 07 июндаги 8н-д/5479-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши консерватив ёки инвазив даволанишлардан сўнг оёқ артерияларини қайта текшириш, оёқ артериялари обструктив касалликларининг топик ташхислаш бирламчи усул сифатида рангли дуплекс ангиосканерлашни қўллаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатиш, периферик артерия касалликларини эрта ташхислаш усуллари такомиллаштириш беморларга ихтисослашган юқори технологияли тиббий ташхисот доирасини кенгайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Периферик артерия касаллигининг эпидемиологияси ва ноинвазив ташхислаш усуллариининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи, периферик артерия касаллигини эпидемиологияси ва учраши, периферик артерия касалликларига олиб келувчи хавф омиллари ва таснифи, периферик артерия касалликларини замонавий текширув усуллари, рангли дуплекс сканерлаш, тўпиқ-елка индексини ўлчаш, сегментар артериал қон босимини ўлчаш, компьютер томографияси ёрдамида тиббал кальцинозни баҳолаш, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотларнинг шарҳи келтирилган. Оёқдаги периферик артерия касалликларининг аниқланишидаги асосий текшириш усуллари, тўпиқ-елка индексларини ҳисоблаш каби асосий компонентлар таҳлил қилинган. Популяцияон тадқиқотлар доирасида адабиётлардан олинган маълумотлар кўрсатилиб ўтилган.

Диссертациянинг **«Периферик артерия касаллигининг замонавий ноинвазив ташхислаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи боби тадқиқот дизайни, тадқиқотга жалб этилган беморларнинг клиник тавсифи, қўлланилган тадқиқот усуллари ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш маълумотлари кенг ёритилган. Тадқиқот дизайнида ишлаб чиқилган зарурий диагностик чора тадбирларни ўз ичига олган периферик артерия касалликлари скрининг дастури ёрдамида оёқ-қўллардаги гемодинамикани комплекс баҳолашлар ўтказилган.

Биз томондан ишлаб чиқилган зарурий диагностик чора тадбирларни ўз ичига олган ПАК скрининг дастури ёрдамида оёқ-қўллардаги гемодинамик кўрсаткичларини комплекс баҳолашни ўтказдик.

Дастлаб барча беморларни шикоят, анамнези, антропометрик ва объектив кўригида клиник ҳолати, Эдинбург сўровномаси ёрдамида ҳаёт сифати, пальпация, аускультация баҳоланди. 1 босқич - ПАК ташхисиди ТЕИ диагностик аниқлигини аниқлаш (n=560); 2 босқич – ПАКда РДСни диагностика имкониятларини баҳолаш (n = 100) мақсадида беморларнинг

барчасида ТЕИ ультратовуш текшириш ёрдамида ўлчанди, 100 нафар беморда рангли дуплекс сканерлаш ўтказилди; 3 босқич-контрастсиз МСКТни қўллаган ҳолда оёқ артерияларидаги кальцинозни ривожланганлик даражасини миқдорий баҳолаш ($n = 30$) текширувлари 30 нафар беморда олиб борилди.

Бизнинг тадқиқотимиз 2017 – 2019 йиллар оралиғида Хоразм вилояти Урганч шаҳри ва 10 та туман клиник амалиёт шароитида ўтказилди. Бирламчи тиббий ёрдам шифокорлари беморларнинг клиник хусусиятлари, юрак-қон томир хавфи омиллари ва беморлар анамнез маълумотларини тўплашга жалб қилинди. Ушбу тадқиқотда иштирок этиш учун мезонларга жавоб берадиган барча беморлар таклиф қилинди. Тадқиқот ишларига ҳаммаси бўлиб 612 нафар бемор жалб қилинди. (1-жадвалга қаралсин).

Тадқиқот ишимизда 560 нафар бемор кўриқдан ўтказилди, улардан 319 (57,0%) эркаклар ва 241 (43,0%) нафар аёллар ташкил қилди. Ўртача ёш $67,8 \pm 11,7$ ёшни ташкил этди, энг юқори ёши 90 ёш ва энг кам 45 ёш ва стандарт оғиш 7,3 ёшни ташкил қилди. Ўртача $52,5 \pm 6,8$ ёшдаги эркаклар, $51,2 \pm 8,8$ ёшдаги аёллар бўлган. Тадқиқотга жалб қилинган беморларни ёши бўйича таҳлил қилинганида куйидаги маълумотлар олинди: 45-59 ёшдагилар 132 (23,6%) нафарни (улардан 77 (58,3%) эркаклар, 55(41,7%) аёллар); 60-74 ёшдагилар 320 (57,1%) ни (улардан 181(56,6%)эркаклар, 139(43,4%) аёллар); 75-90 ёшдаги 108 (19,3%)ни (улардан 61(56,5%) эркаклар, 47(43,5%) аёллар) ташкил қилди (БЖССТининг ёш таснифига кўра). Текширувларнинг катта қисмини 60 ёшдан ошган беморлар - кексалар ва қариялар - 428 (76,4%)ни (улардан 242 (56,5%) ни эркаклар, 186 (43,5%) ни аёллар) ташкил қилди. Беморларнинг ўртача ёши $67,8 \pm 11,7$ ёшни ташкил этди. Ўртача олганда беморларда тана вазни ошган (тана вазни индекси(ТВИ) $26,8 \pm 5,5$ кг / м²). 96,3% (539 нафар) бемор камида битта юрак-томир хавф омилига эга. Юрак-томир касалликлари билан оғриган беморлар 149(26,6%); цереброваскуляр касалликлари билан касалланганлар 111(19,8%) , кўптомир патологиялари бўлганлар (иккала коронар ва цереброваскуляр) 39(7,0%) ва камида битта юрак-томир хавф омилига эга бўлган, аммо на юрак-томир касалликлари, на цереброваскуляр касалликлари бўлганлар 261(46,6%) нафарни ташкил қилди. Тадқиқот пайтида 43(7,7%) бемор доимий чекувчи эканлиги маълум бўлди. Фақат 115(20,5%) нафар бемор оёғида оғриқлар бўлишидан шикоят қилди. 25 (4,4%) нафар беморда ўтиб кетувчи оқсоқланиш(ЎКО) кузатилди. 2(0,4%) нафар беморда бир ёки бир нечта артерияларда пулсациянинг йўқлиги қайд этилди. 45-59 ёшдаги 10(7,6%) нафар беморда, 60-74 ёшдаги 44 (13,7%) беморда ва 75 ва ундан катта ёшдаги 19(17,6%) беморларнинг анамнезида оёқ артерияларининг сурункали артериал етишмовчилиги борлиги аниқланди.

1-жадвал

Тадқиқот қилинган беморларнинг жинси, ёши ва яшаш жойига қараб тақсимланиши

№	Яшаш жойи	Ёши ва жинси n=560		45-59 ёш				60-74 ёш				75-90 ёш							
		абс	%	Эркак		Аёл		абс	%	Эркак		Аёл		абс	%	Эркак		Аёл	
				абс	%	абс	%			абс	%	абс	%			абс	%	абс	%
1.	Урганч ш	59	10,5	8	13,6	7	11,9	19	32,2	13	22,0	7	11,9	5	8,5	7	11,9	5	8,5
2.	Урганч т.	58	10,3	8	13,8	7	12,1	17	29,3	14	24,1	7	12,1	5	8,6	7	12,1	5	8,6
3.	Хонқа	48	8,6	6	12,5	5	10,4	16	33,3	12	25,0	5	10,4	4	8,3	5	10,4	4	8,3
4.	Богот	48	8,6	7	14,6	4	8,3	15	31,3	12	25,0	6	12,5	4	8,3	6	12,5	4	8,3
5.	Хазорасп	47	8,4	6	12,8	4	8,5	16	34,0	12	25,5	5	10,6	4	8,5	5	10,6	4	8,5
6.	Янгиарик	51	9,1	7	13,7	5	9,8	16	31,4	14	27,5	5	9,8	4	7,8	5	9,8	4	7,8
7.	Хива	46	8,2	5	10,9	4	8,7	16	34,8	12	26,1	5	10,9	4	8,7	5	10,9	4	8,7
8.	Кўшкўпир	51	9,1	8	15,7	5	9,8	17	33,3	11	21,6	5	9,8	5	9,8	5	9,8	5	9,8
9.	Шовот	48	8,6	7	14,6	4	8,3	16	33,3	13	27,1	5	10,4	3	6,3	5	10,4	3	6,3
10	Янгибозор	52	9,3	7	13,5	5	9,6	17	32,7	13	25,0	6	11,5	4	7,7	6	11,5	4	7,7
11	Гурлан	52	9,3	8	15,4	5	9,6	16	30,8	13	25,0	5	9,6	5	9,6	5	9,6	5	9,6
Умумий				7	13,8	55	9,8	18	32,3	13	24,8	61	10,9	4	8,4	61	10,9	4	8,4
Жами		560		132				320				108							

Биз беморларни хавф омиллари бўйича 4 гуруҳга ажратдик (коронар, цереброваскуляр, кўп қон томирли, фақат хавф омиллари билан): ЮИК (стенокардия (барқарор ёки беқарор) / миокард инфаркти; цереброваскуляр касалликлар (ишемик инсульт ёки транзитор ишемик атака); кўп томирли касалликлар (коронар ва цереброваскуляр касалликлар); камида битта юрак-томир хавф омили (гиперхолестеринемия, гипополидемик терапия, артериал гипертензия, қандли диабет ёки чекиш) бўлган касалликлар (2-жадвалга қаралсин).

2-жадвал

Беморлар тури ва ёндош кардиоваскуляр патологияларга боғлиқ равишда тақсимланиши

АРТЕРИАЛ ҲАВЗАЛАР ЗАРАРЛАНИШИГА БОҒЛИҚ ТУРЛАРИ	
Коронар атеросклероз n (%)	149(26,6%)
Цереброваскуляр атеросклероз n (%)	111(19,8%)
Артериал ҳавзалар 2 ва ундан кўп n(%)	39 (7,0%)
Фақат хавф омиллари(ХО) мавжуд n (%)	261 (46,6%)
Жами	560
ЁНДОШ КАРДИОВАСКУЛЯР ПАТОЛОГИЯЛАРГА БОҒЛИҚ ХОЛАТЛАР	
Қорин аортаси аневризмаси n (%)	3 (0,5%)
Стабил стенокардия, n (%)	59 (10,5%)
Ностабил стенокардия n (%)	21 (3,8%)
Миокард инфаркти, Q тишча йўқ n (%)	25 (4,5%)
Миокард инфаркти, Q тишчали n (%)	44 (7,9%)
Коронар артерияларни шунтлаш ёки ангиопластикаси n (%)	7 (1,3%)
Сурункали юрак етишмовчилиги n (%)	32 (5,7%)
Ишемик инсульт n (%)	62 (11,0%)
Транзитор ишемик атака, ҳуж n (%)	49 (8,8%)
Уйқу артерияси реваскуляризацияси n (%)	3 (0,5%)
Жами	305

Текширишлар бошида икки томонлама кўрик, қиёсий пальпация ва аускультациялар ўтказилди. Умумий ўтказилган усуллар ва текширувлар ҳажми, мақсади ва ишлатилган аппаратура ҳақидаги маълумотлар қуйидаги умумлаштирилган жадвалда келтирилган (3-жадвалга қаралсин).

3-жадвал

Умумий ўтказилган усуллар ва текширувларга тегишли маълумотлар

N	Кўлланилган усуллар	Аппаратуралар	Текширилган нукталар ва артериялар	Сони(n) ва текширув хажми	Ўрганилган параметрлар
1	Эдинбург сўровномаси	-	6 савол	n=560 бемор	ЎҚО мавжудлигини аниқлаш
2	Оёқ артерияларида пульсацияни аниқлаш, аускультация ва умумий қўрик		Пульсация 8 нуктада (++++, ++, +, 0)	n=560 бемор	Икки томонлама art. femoralis communis; art. poplitea; art. dorsalis pedis; art. tibialis posterior.
3	Тўпик-елка индексини (ТЕИ) аниқлаш	“Chison.Sbit-8” УТТ аппарати 5-10 МГц кўп частотали чизикли датчик, Қоротков усули	a.dorsalis pedis, a.tibialis posteriorлардаги	n=560	САБ (оёқ панжаси орқа артериялари ва катта болдир артерияларидаги энг юқори САБ) ва ўнг қўлдаги САБлар нисбати ҳисобланди.
4	Рангли дуплекс сканерлаш (РДС)	“Chison.Sbit-8” УТТ аппарати 2-5 МГц конвексли ва 5-12 МГц чизикли ва конвексли датчиклар, кулранг, РДС ва спектрал доплер режимлари	аортанинг дистал бўлими, УЁА, ИЁА, ТЁА, УСА, ЧСА, ТоА, ОрКБА, ОлКБА	n=100 бемор (61 эркак/39 аёл) оёқ артериал сегментлари	Артерия диаметри, деворининг қалинлиги ва ҳаказо, доплер эгри чизик шакли ва микдор: (Vs, ҚОЧТ); (Vd); (Vtmax); (Vtav) см/секда, (RD); (PI); (SB); (S/D).
5	Контрастсиз МСКТда тибиал кальцинозни баҳолаш	16 спиралли МСКТ аппарати ёрдамида (SOMATOM Siemens, Germany)	катта болдир, орқа катта болдир ва кичик болдир артерияларини	n=30 бемор (18 эркак/12 аёл)	Оёқ дистал артериялари кальциноз даражасини микдорий аниқлаш (Агатстоннинг модификацияланган тизимидан фойдаланилган)
6	Статистик таҳлил ва дастурлаш	Excell, Stawin.exe пакети Хавф стратификация ва ташхисот алгоритмларини танлаш учун дастур	128 берилганлар (параметрлар)	n=560	Дастур JS дастурлаш тилида ёзилиб, Windows XP 7, 8, 10 браузер тизими ва ПАК 1.0_1_1.0.арк – оффлайн андроид учун мўлжалланган

Диссертациянинг «Тўпиқ-елка индексининг периферик артериялар касаллигини ташхислашдаги аҳамиятини ва методологик аспектларини ўрганиш натижалари» деб номланган учинчи бобида периферик артерияларининг облитерацияловчи атеросклерози скринингида тўпиқ-елка индексини доплер ёрдамида ўлчашнинг ташхислашдаги аҳамияти ва методологик аспектларини ўрганиш натижалари таҳлил қилинган. Камида битта оёқда патологик индекс $<0,9$ бўлганида ёки ангиографик тасдиқланган ташхис ёки классик ўтиб кетувчи оксокланиш учун хос бўлган шикоятлар бўлганида ПАК ташхиси қўйилди. Жинслар орасида ПАКни тарқалишида жиддий тафовутлар кузатилмади, аёллар орасида 41,1% (30 нафар) ва эркеклар орасида эса 58,9% (43 нафар) ни ташкил қилди. Беморларнинг 47,9% (35 нафар) Фонтейн бўйича I босқич (симптомсиз) ПАК билан оғриган. ПАК билан оғриган беморларнинг 28,8% (21 нафар) бемор Фонтейн бўйича Ia босқичи (сезиларли бўлмаган ЎКО)га эга, 17,7% (13 нафар) бемор Фонтейн бўйича Ib босқичи (кучсиз оғир даража)га, 2,8% (2 нафар) бемор Фонтейн бўйича III босқичи (тинч ҳолатда ишемик оғриқ)га, 2,8% (2 нафар) бемор Фонтейн бўйича IV босқич (яра ва гангрена)га эга. Умумий аҳоли сонидagi беморларнинг 17,5% (98 нафар)да ПАКнинг симптомсиз турига эгалиги аниқланди.

Тўпиқ-елка индекси патологик кўрсаткичларининг беморларни ёши, ёндош патологияси билан боғлиқлигини ўрганиш натижалари

Текширилган 487 (87,0%) нафар бемор орасида ПАК аниқланмаган, улардан 282 нафарини эркеклар ва 205 нафарини аёллар ташкил қилди, 73 (13,0%) нафар беморда ПАК аниқланиб, улардан 37 нафарини эркеклар ва 36 нафарини эса аёллар ташкил қилди. ТЕИ ўртача $0,92 \pm 0,23$ ни ташкил қилди ва беморларнинг 13,0% (73 нафар бемор)да $<0,9$ дан пастлиги аниқланди. ТЕИнинг ўртача қиймати ёш ошиши билан камайиб боради; кекса ёшдаги беморларда ТЕИ $0,96 \pm 0,18$ бўлса, қари ёшдаги беморларда эса $0,86 \pm 0,25$ ни ташкил этди. Бундан ташқари, кекса ёшдаги (44(13,7%) нафар) ва қари ёшдаги (19(17,6%) нафар) беморлар орасида ПАКнинг тарқалиши ва ТЕИнинг $<0,9$ дан паст бўлиши ўрта ёшли (10(7,6%) нафар) беморларга нисбатан тахминан икки баравар кўп учрайди. Беморларнинг гуруҳини ҳисобга олган ҳолда ТЕИни таҳлил қилганимизда, ЮИК бўлган 16(22,0%) нафар беморда ТЕИ $<0,9$ дан паст (ТЕИ ўртача кўрсаткичи $0,91 \pm 0,24$); цереброваскуляр касалликлари бўлган 15(21,0%) нафар беморда эса $<0,9$ дан паст (ТЕИ ўртача қиймати $0,91 \pm 0,23$); кўп томирли патологияси бўлган 6 (8,0%) нафар беморларда (ТЕИ ўртача қиймати $0,87 \pm 0,25$) ва фақат юрак-томир хавф омиллари бўлган 36 (49,0%) нафар беморларда (ўртача ТЕИ $0,94 \pm 0,22$) $<0,9$ дан пастлиги аниқланди (4-жадвалга қаралсин).

Хоразм вилояти аҳолисининг яшаш жойини ҳисобга олинганида, ТЕИ $<0,9$ дан паст чиққан беморларни шаҳар ва туманлар бўйича тақсимланиши қуйидагича бўлди: Урганч шаҳрида – 22 (30,1%) ; Урганч туманида -6 (8,2%); Хонқа туманида- 3 (4,1%); Боғот туманида – 4 (5,5%); Хазорасп туманида – 4 (5,5%); Янгиариқ туманида – 7 (9,6%); Хива туманида – 6 (8,2%); Кўшкўпир туманида – 10 (13,7%); Шовот туманида – 2 (2,8%); Янгибозор тумани – 3 (4,1%); Гурлан тумани – 6 (8,2%)ни ташкил қилди.

4-жадвал

Гурухларда тўпик - елка индекси кўрсаткичлари

ТЕИ қиймати	Умумий (n-560)		Коронар (n-149)		Цереброваскуляр (n-111)		Кўп томирли (n-39)		Факат хавф омилли (n-261)	
	абс	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс	%
	0,92 ±0,23		0,91±0,24		0,91±0,23		0,87±0,25		0,94± 0,22	
0,5	6	1,1±0,4	1	0,7±0,7	1	0,9±0,9	1	2,6±2,6	3	1,2±0,7
0,5-0,7	26	4,6±0,9	5	3,4±1,5	6	5,4±2,2	3	7,7±4,3	12	4,6±1,3
0,7-0,9	41	7,3±1,1	10	6,7±2,1	8	7,2±2,5	2	5,1±3,6	21	8,0±1,7
0,9-1,1	300	53,6±2,1	78	52,3±4,1	57	51,4±4,8	20	51,3±8,1	145	55,6±3,1
1,1-1,3	128	22,9±1,8	35	23,5±3,5	25	22,5±4,0	9	23,0±6,8	59	22,6±2,6
1,3дан кагга	59	10,5±1,3	20	13,4±2,8	14	12,6±3,2	4	10,3±4,9	21	8,0±1,7


5-жадвал

ТЕИни ўлчашда елкадаги максимал ва тўпикдаги минимал босим кўрсаткичлари


Елка артериясида максимал САБ,мм с.у.	Умумий (n-560)	Коронар (n-149)	Цереброваскуляр (n-111)	Кўп томирли (n-39)	Факат хавф факторли (n-261)
Ўртача (SD)	138 ±22	133± 22	143±22	139±22	140± 21
Тўпикдаги минимал САБ,мм с.у.	126 ±34	120± 34	129± 33	121±38	130±33

Тўпиқ-елка индексини аниқлаш бемор гуруҳларининг тақсимланишида сезиларли ўзгаришларга олиб келди (1-расмга қаралсин).

ТЕИи ҳисоблангунча



ТЕИи ҳисоблангандан кейин




1-расм. Периферик артерия касаллигида тўпиқ-елка индексини ҳисоблашдан олдин ва ҳисоблашдан кейин беморларнинг тақсимланиши.

Тадқиқот учун олинган юқори хавфли ва симптомсиз ПАК бўлган беморлар тўрт гуруҳга бўлинди: (1) юрак ишемик касаллиги (ЮИК) билан ҳужжатлаштирилган; (2) цереброваскуляр касаллиги билан ҳужжатлаштирилган; (3) кўп томирли касаллик (коронар ва цереброваскуляр касалликларида ҳам) билан ҳужжатлаштирилган ва (4) ишемик ёки цереброваскуляр касалликлари бўлмаган ҳолда камида битта юрак-томир хавф омилининг мавжудлиги. Тўпиқ-елка индекси баҳолагандан сўнг, ПАК

билан оғриган коронар беморлар ва ПАК билан оғриган цереброваскуляр беморлар кўп томирли шикастланишлари билан оғриган беморлар деб ҳисобланди. Дастлаб фақат хавф омилига эга деб баҳоланган текширилувчи шахсларнинг деярли 36(49,3%) нафариди ПАК аниқланди. Кўп томир шикастланишлари билан оғриган беморларнинг сони дастлаб 5 (7%) нафарни ташкил қилган бўлса, ТЕИи ўлчаганидан кейин бу кўрсаткич 20 (27%) нафарга етганлиги ТЕИдан фойдаланиш самарали усул эканлигини исботлади.

Рангли дуплекс сканерлашнинг артериялардаги гемодинамик аҳамиятга эга бўлган жароҳатланишларни ташхислашдаги ўрни

Ушбу бўлимнинг асосий мақсади ПАК билан касалланган беморларни даволашда МСКТга нисбатан РДС(ЦДК)нинг диагностик самарадорлигини ёритишдан иборат. 100 нафар беморда оёқ артериялари текширилди [ўртача ёши $60,8 \pm 8,9$, (оралиғи: 47–84 ёш)], шундан 76 (76.0%)ни эркаклар ташкил қилади. Оёқдаги ПАКга гумон қилинган беморларда МСКТ қилишдан бир кун олдин рангли доплер сканерлаш амалга оширилди. Текширилаётган сегментлари нормал, енгил стеноз (<50%), гемодинамик аҳамиятли стеноз ($\geq 50\%$) ва окклюзия деб баҳоланди.(2-расмга қаралсин)



2-расм. Беморларда РДСда турли даражадаги стенозларнинг кўриниши

РДСда артериал стенозни аниқлашдаги диагностик аниқлик умумий ва ташқи ёнбош артерияларни, умумий, чуқур ва юза сон артерияларини, тизза ости артерияларини, олдинги ва орқа болдир артерияларини ва кичик болдир артерияларини ўз ичига олган ҳолда буйрак артерияларидан пастдаги турли хил артериал сегментларда баҳоланди. РДС барча сегментларда стеноз ва окклюзия ташхисиди 89% дан кўпроқ сезувчанликни кўрсатди. Шундай қилиб, юзаки сон артерияси (ЮСА) окклюзиясида ижобий прогностик аҳамиятга эгаллиги 97% дан ортиқни ташкил қилди. РДКС ЮКБА, ОрКБА ва КБА > 50% стенозлар учун мезон сифатида тезликлар нисбатини ≥ 2 эканини ҳисобга олган ҳолда сезувчанлик ва ўзига хосликни 90 / 93%, 90 / 92%, 82 / 74% эканлигини кўрсатди.

Стенознинг бевосита ва билвосита мезонлари ҳар доим ҳисобга олинган. Бундан ташқари, стеноз даражасининг ошиши максимал систолик

тезлик кўрсаткичларини, периферик қон оқимининг резистив индексини ва ТЕИ қийматини сезиларли даражада пасайиши билан бирга кечади

Ўрганилган артериялар диаметри, қон оқимини чизиқли ва ҳажмий тезлиги куйидаги жадвалда келтирилган (6-жадвалга қаралсин)

6-жадвал

Оёқнинг магистрал артерияларидаги қон оқими кўрсаткичлари

№	Томир	Диаметр, мм	ҚОЧТ, м/с (қон оқимини чизиқли тезлиги)	ҚЖТ, мл/мин(қонни ҳажмий тезлиги)
1	Умумий сон артерияси (УСА)	8,95±1,65	70,9±23,7	318,5±113,5
2	Сонни чуқур артерияси (СЧА)	5,6±1,8	54,8±34,2	81,95±50,05
3	Юзаки сон артерияси (ЮСА)	6,8±1,5	66±21	116±42
4	Тизза ости артерияси (ТоА)	6,25±1,35	50,15±20,15	102,5±59,5
5	Орқа катта болдир артерияси (ОрКБА)	2,25±0,55	53,2±13,7	22,05±14,55
6	Олдинги катта болдир артерияси (ОлКБА)	2,2±0,6	59,85±22,3	15,55±11,45

Болдир артерияларида ПАК бўлмаган одамларда гемодинамик кўрсаткичлар куйидагича бўлди: ОрқаКБА бўйича МаксСисТезлик $44,6 \pm 0,49$, RI $-1,30 \pm 0,007$, PI $-7,7 \pm 0,25$; ОлдКБА бўйича МаксСисТезлик $42,7 \pm 0,78$ см/сек, RI $-1,29 \pm 0,03$, PI $-8,7 \pm 0,31$. ПАК билан касалланган ва ПАК билан касалланмаган беморларда периферик артериал қон оқимининг микдорий доплерографик кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш барча доплерографик кўрсаткичлар бўйича статистик жиҳатдан муҳим фарқларни кўрсатди ($n < 0,005$). ПАК бўлган беморларда-МСТ(ПСС) ОлдКБА бўйича $9,6 \pm 0,63$ см/с, ОрқаКБА бўйича $-9,9 \pm 0,59$ см/с, ОлдКБА бўйича RI $-0,52 \pm 0,031$, ОрқаКБА бўйича $-0,54 \pm 0,030$, ОлдКБА бўйича PI $-1,62 \pm 0,119$, ОрқаКБА бўйича PI $1,69 \pm 0,107$, ТЕИ $0,51 \pm 0,17$ ни ташкил қилди.

Контрастсиз мультислайс компьютер томографиясида тиббал кальцинознинг ривожланганлик даражасини микдорий баҳолаш натижалари.

Тадқиқотда бир вақтнинг ўзида ҳар иккала оёқнинг олдКБА, орқаКБА ва кичик болдир артерияларида текшириш олиб борилди. Тиббал артериялар кальциноз индекси коронар кальцийни ҳисоблаш учун стандарт дастур ёрдамида аниқланди. Кальций микдорини аниқлаш Агатстоннинг модификацияланган тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Ҳар бир болдир учун тиббал кальциноз индекси (ТКИ) учта болдир артерияси учун олинган қийматларнинг йиғиндисидир. Куйидаги

жадвалда текширилган беморлардаги ТКИнинг статистик кўрсаткичлари кўрсатилган(7- жадвалга қаралсин).

7-жадвал

Текширилган беморларда ТКИ нинг статистик кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Ўртача	Confid. -95%	Confid.+9 5%	Median	Minimum	Maximum	SD	M
ТК ўнг	266,3	244,3	288,38	253,50	187,0	395,0	59,03	10,8
ТК чап	301,3	281,9	320,6	316,5	200,1	405,9	51,8	9,5
ТКИ чап	2,9	2,5	3,3	2,3	1,5	4,9	1,09	0,2
ТКИ ўнг	3,5	3,1	3,9	3,8	1,8	5,3	1,06	0,19

Корреляция ва регрессион таҳлил усулларини қўллаш орқали тўпиқ-елка индексини детерминанталарини аниқлаш ҳамда рангли дуплекс сканерлаш ва контрастсиз МСКТ кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш натижалари.

Барча артериал сегментлар учун контрастсиз МСКТдаги ТКК маълумотлари билан РДСдаги стенознинг корреляция коэффициенти $r < 0,68$ дан ошди ($p < 0,001$). Оддий статистик усуллар ёрдамидаги таҳлил натижасида ТЕИ билан аҳамиятли боғлиқлик намоён қилган факторлар билан (гиподинамия, кекса ёш (75+), ИМ анамнезда, чекиш, АИ, АГ, УХС, ХО сони, ош тузи истеъмоли, қандли диабет) кўп факторли регрессион таҳлили ўтказилган.

Ўтказилган кўп омилли регрессион таҳлилда эса ТЕИга таъсир қилувчи энг муҳим кўрсаткичлар сифатида анамнезида миокард инфаркти ($p=0,02027$), чекиш ($p=0,02542$), 75 ёшдан ошган кексалик ёши ($p=0,01849$), кунига 15 г дан ортиқ туз истеъмом қилиш ($p=0,01274$), артериал гипертензия ($p=0,00765$), гиподинамия ($p=0,02367$) ва қандли диабет мавжудлиги ($p=0,01502$) аниқланди.

Диссертациянинг «**Бирламчи бўғин ультъратовуш шифокорлари учун периферик артерия касалликларини ташхислашда такомиллашган алгоритм ишлаб чиқиш**» деб номланган IV бобида олинган натижаларимиз асосида биз периферик артерия касалликлари хавф стратификация ва такомиллашган ташхисот алгоритмларини танлаш учун дастур яратишга ҳаракат қилдик ва ушбу дастур JS дастурлаш тилида ёзилиб, Windows XP7,8,10 браузер тизими учун мўлжалланган ва

<https://www.cardiogram.uz/doctor/cardiodiagnostic/zpa.html> манзилида жойлашган ва амалиётда ишлатишга тақдим этилди.

560 нафар беморнинг ҳар бирида 128 кўрсаткич EXCELда кўрсаткичлар базасига киритилган, жумладан, беморларнинг ёши, жинси, қўшимча артериал хавза шикастланиши тури, юрак томирлари касалликлари, мия қон томир касаллиги, юрак-қон томир касалликлари учун хавф омилларининг мавжудлиги, юрак-қон томир касалликлари, яшаш жойи, клиник-анамнестик, демографик ва инструментал маълумотлар баҳоланди.

Дастур соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини УТТ врачларига онлайн тарзда ташхисотнинг оптимал алгоритмини танлаш ва периферик артерия касалликлари хавфини баҳолашга имкон беради.

ХУЛОСАЛАР

«Хоразм вилоятида периферик артерия касалликларининг ультратовуш скрининг дастурларини ишлаб чиқиш» мавзуси бўйича тиббиёт фанлари фалсафа доктори(PhD) диссертация мавзусига асосан ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Оёқ периферик артерияларининг облитерацияловчи атеросклерози скринингида касалликларни эрта даврларида эрта аниқлашнинг энг мақбул йўли бу тўпиқ-елка индексини доплер ёрдамида ўлчаш эканлиги илмий жиҳатдан асосланди. Хоразм вилоятида ўтказилган ТЕИ ни ультратовуш доплер ёрдамида ўрганиш вилоят аҳолиси орасида ПАК ни эрта даврларда аниқлаш имконини берди.

2. ПАК бўлган беморларда рангли дуплекс сканерлашда оёқ артерияларидаги гемодинамик аҳамиятга эга стенозларда тўпиқ-елка индексининг ўртача кўрсаткичи ёшга боғлиқ ҳолатда камайиб бориши; 60 ёшдан ошган беморларда ТЕИ $0,96 \pm 0,18$ ва $0,86 \pm 0,25$ ни ташкил қилганлиги, 65 ёшдан ошганларда ўрта ёшдагиларга нисбатан ТЕИ $< 0,9$ бўлган ҳолатлар 2 баробарга кўп кузатилганлиги, 49% ҳолатларда касаллик симптомсиз кечаётгани эрта даврларида аниқланди.

3. Ривожланган периферик атеросклероз бўлган беморларда контрастсиз МСКТ усулида кальцинатлар ўрганилди ва тибиал кальциноз медианаси зичлиги 253,5-316,5 HU ва тибиал кальциноз индекси 2,3-3,8ни ташкил қилди.

4. РДС даги стенознинг ўртача қиймати контрастсиз МСКТдаги ТКИ кўрсаткичлари билан солиштирилганида УСАнинг периферик сегментларида, олдКБА ва ТоАларининг барча сегментларида корреляция юқорилиги аниқланди. Олдинги болдир ва кичик болдир артерияларининг проксимал сегментлари учун паст корреляция қайд этилди. Кўп омилли регрессион таҳлилга кўра ушбу кўрсаткичлар узвий боғлиқ ва бу ТЕИ кўрсаткичининг катта амалий аҳамияти борлигини кўрсатади.

5. Ўтказилган тадқиқот ва олинган натижалар асосида периферик артериялар касаллиги ЭХМ дастури ва ташхислаш алгоритмлари ишлаб чиқилиб, ТЕИни аниқланиши 86-90% ҳолатларда оёқ артерияларининг атеросклерозида эрта ташхис қўйиш имконини берди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 04/30.12.2019. Tib.77.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ОНКОЛОГИИ И РАДИОЛОГИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

АЙТИМОВА ГУЛСАНАМ ЮСУПОВНА

**РАЗРАБОТКА ПРОГРАММЫ УЛЬТРАЗВУКОВОГО СКРИНИНГА
ЗАБОЛЕВАНИЯ ПЕРИФЕРИЧЕСКИХ АРТЕРИЙ В ХОРЕЗМСКОЙ
ОБЛАСТИ**

14.00.19 –Клиническая радиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/Tib679

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации а двух языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице по адресу (www.cancercenter.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: **Розыходжаева Гулнора Ахмедовна**
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Юсупалиева Гулнара Акмаловна**
доктор медицинских наук, доцент

Юлбарисов Абдурасул Абдужалилович
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Самарқандский медицинский государственный институт**

Защита диссертации состоится «8» июля 2021 года в «13» часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии. Адрес: 100174, г. Ташкент, ул.Фаробий, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871)246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр онкологии и радиологии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии (зарегистрирована за №4). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул.Фаробий, 383, Тел.:(+99871) 227-13-27; факс: (+99871)246-15-96. e-mail: info@cancercenter.uz.

Автореферат разослан «30» июня 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 4 от «30» июня 2021 года.

М.Н.Тилляшайхов

Председатель разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.А. Адилходжаев

Учёный секретарь разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

А.Н. Абдихакимов

Председатель научного семинара при разовом научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Облитерирующие заболевания артерий нижних конечностей являются одной из основных причин заболеваемости во всем мире, требующей чрезмерных финансовых затрат со стороны системы здравоохранения. В настоящее время в мире от заболеваний периферических артерий страдают около 237 миллионов человек, и их распространенность увеличивается из-за старения населения и увеличения числа пациентов с сахарным диабетом. По данным крупнейших исследований, посвященных изучению заболеваний периферических артерий, «...пятилетняя продолжительность жизни пациентов с клиническими признаками атеросклеротического поражения артерий нижних конечностей составляет около 30%. Бессимптомное течение отмечается в 41,1% на 1000 пациентов, при этом риск смерти увеличивается в 2,2 раза...»¹. Одной из актуальных проблем в эпидемиологии облитерирующих заболеваний артерий нижних конечностей является проведение сравнительных рандомизированных исследований с целенаправленным скринингом заболеваний периферических артерий в общей популяции с помощью неинвазивных, недорогих и удобных методов исследования с возможностью оценки распространенности бессимптомного течения данной патологии.

Проводимые в мире научные исследования по разработке и совершенствованию неинвазивной ультразвуковой диагностики заболеваний периферических артерий с использованием доплерографии в скрининговые программы. В настоящее время актуальны исследования с изучением методологических аспектов и места доплеровской оценки лодыжечно-плечевого индекса при скрининге облитерирующего атеросклероза периферических артерий. Изучение значимости цветного дуплексного сканирования при гемодинамически значимых поражениях артерий, количественной оценки тиббиального кальциноза по данным бесконтрастной мультиспиральной компьютерной томографии, изучение детерминант лодыжечно-плечевого индекса с использованием методов корреляционного и регрессионного анализа способствуют выбору улучшенного алгоритма диагностики заболеваний периферических артерий и разработке программы стратификации, что особенно важно для врачей УЗД в первичном звене здравоохранения..

Развитие медицинской сферы нашей страны направлено на адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, снижение заболеваемости заболеваниями сосудистой системы. Определены такие задачи как «...повышение эффективности, качества и доступности

¹ Aboyans V., Ricco J.B., Bartelink MEL, Bjorck M., Brodmann M., Cohnert T. et al. 2017 ESC Guidelines on the Diagnosis and Treatment of Peripheral Arterial Diseases, in collaboration with the European Society for Vascular Surgery (ESVS): Document covering atherosclerotic disease of extracranial carotid and vertebral, mesenteric, renal, upper and lower extremity arteries Endorsed by: the European Stroke Organization (ESO) The Task Force for the Diagnosis and Treatment of Peripheral Arterial Diseases of the European Society of Cardiology (ESC) and of the European Society for Vascular Surgery (ESVS) // Eur Heart Journal. -2018; Vol. 39. № 9. - P. 763–816..

медицинской помощи населению, а также внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний за счет создания эффективных моделей патронажа...»³. Решение этих задач позволят поднять на новый уровень современных медицинских услуг диагностику и лечение заболеваний периферических артерий, снизить заболеваемость и смертность от данной патологии за счет совершенствования использования современных технологий в оказании качественной медицинской помощи.

